



Ислом Нури

Хурматли ота-оналар, Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам бундай мархамат киладилар: Хар бир бола фитратда мусулмон бўлиб тугилади.

Кейин унинг ота-онаси ё яхудий, ё насроний, ё мажусий-оташпараст килиб (бузук

тарбия) беради;. (Сахих хадис). Демак, азизлар, хар бир бола соглом калб билан

тугилар экан. Бу неъмат учун Аллохга хисобсиз хамдлар бўлсин. Агар фарзандларимиз калблари билан шугулланиб, уларга тўғри тушунча бериб жаннат

йўлини кўрсатмасак, инсу-жинлардан бўлган Шайтонлар ботил тушунчалар билан

уларнинг калбларини бузиб юборади. Аллохдан сўраймизки, фарзандларини соглом акл

ва тўғри диний тушунча билан тарбия килаётган ота-оналарга Аллохнинг магфирати, жаннати бўлсин!

1. Савол: Болажоним, шаходат калимасини айтиб берчи.

Жавоб: Ашхаду алла илаха иллаллох ва ашхаду анна Мухаммадан абдуху ва росувлух.

2. Савол: Бунинг маъноси нима?

Жавоб: Аллохдан бошка худо йўклигига гувоҳлик бераман ҳамда Мухаммад Унинг кули ва пайгамбари эканлигига гувоҳлик бераман.



Ислом Нури

3. Савол: Болажоним, мол, кўй ва товук каби хайвонларни кассоблар нима деб сўйишади?

Жавоб: Бисмиллах, Аллоху акбар деб сўйишади.

4. Савол: Болажоним, бунинг маъноси нима?

Жавоб:
Аллох номи билан, Аллох энг улуг зот.

5. Савол: Болажоним, агар кассоб бисмиллахни ҳам, Аллохнинг бошка номини ҳам айтмасдан сўйсачи?

Жавоб:
Бундай сўйилган хайвон гўштини ейиш мумкин эмас.

6. Савол: Болажоним, Аллохдан бошка кишининг номи билан сўйсачи, масалан пайгамбарнинг номи билан?

Жавоб: Аллохдан бошканинг номи билан сўйса ширк бўлади, у хайвоннинг гўштини еб бўлмайди.